

ИССОП ЎСИМЛИГИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ro'ziyev Iftixor Ilxomjon o'g'li ¹,
Sotiboldiyev Shohruzбек Abduaxat o'g'li ²,
Qurbonov Baxodir Omonjon o'g'li ³

¹⁻³ talaba. Namangan muhandislik-qurilish institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7471691>

Доривор иссоп – лабгулдошлар (ламиасе) оиласига киради. Ўткир ҳидли, кўп йиллик, бўйи 85-90 сантиметр бўлган, доим яшил чала бута. Илдизи ўқ илдизли. Поясининг асосий қисми ёғочланган, шохланган 4 қиррали [1-2]. Барглари қарама-қарши жой-лашган, бандсиз ёки калта бандли ланцетсимон ёки чизиқсимон, четлари биров пастга қайрилган [3]. Унинг гуллари сиёҳ ранг, пушти рангбарглари ораларида 3-7 тадан сохта мутовкаларга тўпланган. Мутовкалар бошоқсимон, узунлиги 20-22 сантиметрга борадиган соябонларни ташкил қилади. Меваси 4 та аниқмас қиррали, тухумсимон ёнғоқчадан иборат [4-5]

. Узунлиги 2,5-3 мм бўлиб, ёнғоқчаларининг усти нотекис, ранги тўқ-кўнғир ёки кўнғир [6]. Доривор иссоп Қрим, Кавказ, Молдова, Жанубий Европа, Ўрта Ер денгизи атрофларидаги мамлакатларда ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларида ўстирилади [7]. Кимёвий таркибига кўра баргида 0,90-1,98 фоиз эфир мой, дубил моддалар, кислоталар ва гулида флавоноид-диосимин С34Х4406 иссопин ва глюкоза бор [8-9]. Эфир мойи таркибига а ва б пинянлл-пинокамфон, пинокамфеол ва унинг уксус эфирлари алдегин, камфен, сениол, уксус кислотаси, спирт аралашмалари ва сесквитерпенлар тутади [10].

Ишлатилиши жиҳатидан доривор иссопнинг эфир мойи муҳим бўлиб, фармацевтикада асосан суртмаларнинг, қисман сиртга ишлатадиган бошқа дориларнинг ҳидини яхшилаш учун ишлатилади [11-12]. Эфир мойи антисептик хусусиятга ега бўлганидан куйган жойларни тузатувчи восита сифатида фойдаланилади. Тиббиётда кўкрак органлари, нафас сиқилиши, бронхит ва бронхиал астма касалликларни тузатишда ишлатилади. Иссоп мойидан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиб келинмоқда [13-15].

Доривор иссоп ўсимлиги асосан уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Унинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун унумдор тупроқлар ва қуёш яхши тушадиган майдонларни тан-лаш керак бўлади [16]. Иссоп кўп йиллик ўсимлик бўлгани учун уни алмашлаб екиш далаларига жойлаштиришни режалаштирмаслик керак, чунки у бир ерда 20-25 йил давомида ҳосил бериши мумкин [17-18]. Доривор иссоп

ўсимлиги экиладиган ерларни кузда гектар ҳисобида 15-20 тонна чириган гўнг ва 30-40 кг суперфосфат, ёғингарчилик кам бўладиган минтақаларда ва сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда 20 кг дан азот ўғити бериб ерни 25-28 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилади [21]. Иссоп уруғидан кўпайтириш энг яхши усул ҳисобланади. Унинг энг мўтъадил экиш вақти октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошланиш вақти ҳисобланади. Уруғлар чуқурроқ экилади. Агарда экиш баҳор ойига қолдирилса, уруғлар стратификация қилиниши шарт [22-23].

Бунинг учун уларни номланган қумли яшикларга солиб, иситилмайдиган хоналарда сақланади. Уруғлар қуриб қолмаслиги ва моғорламаслиги учун вақти-вақти билан намлаб турилади. Экишдан олдин ерлар бегона ўтлар қолдиқларидан тозаланади, бороналанади ва мола билан текисланади [24]. Ҳаво ҳарорати 15-17 градус исиганда эгат оралари 70 см қилиб экилади. Ҳар бир гектар ерга 4 кг гача уруғ сарфланади. Агар тупроқ таркибида нам етишмаса экилгандан кейин дарҳол суғорилади. Уруғлар 6-8 кунда униб чиқади. Орадан 10-12 кун ўтгач майсаларда 2-3 тадан чин барг ҳосил бўлади ва ўсимлик ораларини культивация ёрдамида юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади [25-27]. Баҳор ойларидаги ёғингарчилик натижасида иссоп экилган майдонлар-да қатқалоқлар пайдо бўлиши билан ўсимлик оралари юмшати-лади ва шу билан бирга ягона қилиниб, ҳар бир тупда 20-30 см узунликда 2-3 тадан ўсимлик қолдирилади [28]. Экилган ўсимликлар июнь ойининг охирларида шоналайди. Кузда экилган ўсимликлар май ойининг охири ва июнь ойларининг бошларида гулга киради [29-30]. Шоналаш фазасигача ўсимлик икки марта суғорилади ва сувдан кейин ўсимлик оралари культивация билан 8-10 см чуқурликкача юмшатилади. Баҳорда экилган ўсимликлар июль ойининг бош-ларида гуллай бошлайди. Бу даврга келиб иссопнинг илдиз тизими яхши ривожланганлиги учун ўсимлик бақувват бўлиб ўса бошлайди. Иссопни озиқлантиришни шоналаш фазасида бошлаш тавсия қилинади. Суғоришдан аввал гектарига 50 кг азотли, 30 кг калийли ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимликларни суюлти-рилган гўнг билан озиқлантириш яхши натижа беради. Иссоп экилган майдонлар ҳар 2-3 суғоришдан кейин дала ўтоқ қили-ниши лозим. Иккинчи озиқлантириш ўсимлик гуллаш фазасида гектарига 40-50 кг азот ва 20 кг фосфор ўғити бериш билан тугатилиши керак. Унинг битта тўпгулида 16-20 тагача гул бўлади. Унинг гуллари эрталаб соат 6-7 да очилади. Шу вақтда иссоп экилган майдонларда асалари ва капалаклар пайдо бўлади. Вегетация давомида доривор иссоп ҳаво ҳароратини ҳисобга олган ҳолда

6-8марта суғорилади. Ўсимликнинг хом ашёси бошоқли тўпгул ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, доривор иссоп ўсимлигининг табобат ва озиқ овқат саноатида ва фармацевтика соҳасида тутган ўрни катта.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сайфиддинов, О., Ғойипов, А., & Рахмонов, Д. (2022). КОМПОЗИЦИОН ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАРИНИ ТЕРМИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.
2. Mukhammadjon, J., Dilshod, R., & Botirov, E. (2022). ESSENTIAL OIL COMPOSITION OF TWO SPECIES OF SCUTELLARIA AERIAL PARTS FROM UZBEKISTAN AND THEIR ANTIMICROBIAL ACTIVITIES. BEST SCIENTIFIC RESEARCH, 1(1), 208-215.
3. G'oyipov, A. (2022). TERMOPLASTIK POLIEFIRLAR ISHRIROKIDA MODIFIKATSIYALASHNING AFZALLIKLARI.
4. Ergashev, S., G'oyipov, A., & Alimuxamedov, M. (2022). KOMPOZITSION FENOL-FORMALDEGID OLIGOMERLARINING TARKIBINI NEFELOMETRIK USULDA O'RGANISH. Science and innovation, 1(A5), 424-430.
5. Rakhmonov, D., & Gayipov, A. (2022). STUDY OF COMPOSITION AND CRITICAL PARAMETERS OF DUST FROM LOCAL COTTON INDUSTRY. International Bulletin of Applied Science and Technology, 2(9), 77-81.
6. G'oyipov, A., Mamayunusova, M., & Ergasheva, Z. (2022). QOVOQ MAG 'ZINING TARKIBINI TADQIQ ETISH.
7. Azizbek, G., & Muzaffar, D. (2022). PRODUCTION OF POLYESTER BASED ON ADIPIC ACID AND DETERMINATION OF OPTIMAL COMPONENT RATIO OF COMPONENTS. Universum: технические науки, (7-4 (100)), 43-46.
8. Usmonova, Z., Boyturaev, S., Soadatov, A., G'oyipov, A., & Dehkanov, Z. (2018). PROCESSING OF CALCIUM NITRATE GRANULATED CALCIUM SALTPETER. Scientific-technical journal, 1(2), 98-105.
9. Шеркузиев, Д. Ш., & Арипов, Х. Ш. (2020). ВЛИЯНИЕ ГИДРОГЕЛЯ НА МЕХАНИЧЕСКИЙ СОСТАВ И АГРОХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НЕОРОШАЕМЫХ ПОЧВ. ВВК 79, 859.
10. Mukhammadyusuf Zokirov, & Azizbek Gayipov. (2022). METHODS OF PREVENTION OF YOUTH INTERNET DEPENDENCE. BEST SCIENTIFIC RESEARCH -2023, 2(1), 83-92.
11. Абдухакимов, Т. Т. У., Шеркузиев, Д. Ш., & Арипов, Х. Ш. (2020).

- ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА КЛИНКЕРА. *Universum: технические науки*, (10-2 (79)), 31-33.
12. Tal'At, A., Doniyor, S., & Khayrullakhan, A. (2022). OBTAINING A NEW TYPE OF HYDROGEL BY POLYMERIZING FARPAN WITH FORMALIN AND VARIOUS ADDITIVES. *Universum: технические науки*, (4-13 (97)), 9-13.
13. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). KINETICS OF ISOLATION OF COLCHICINE AND COLCHAMINE ALKALOIDS FROM PLANT CONTENTS. *Science and Innovation*, 1(5), 431-436.
14. Qobuljon, A., Ibrohim, R., & Gayipov, A. (2022). METHOD OF DETERMINATION OF FURFURYL ALCOHOL. *Scientific Impulse*, 1(4), 1774-1778.
15. Юсупов, И., Зокиров, М., & Сайфиддинов, О. (2022, October). БИОГОМУС ЎЎИТЛАРИ. БИОГОМУСНИНГ ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 1, No. 29, pp. 17-24).
16. Shamshidinov, I., Kodirova, G., Sayfiddinov, O., & Zakirov, M. (2022). METHOD OF APPLICATION OF BIOGUMUS AS WELL AS OBTAINING LIQUID BIOORGANOMINERAL FERTILIZERS FROM RAIN WORM BIOGUMUS. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 2(10), 40-46.
17. Khayitov, B., & Rustamov, I. (2022). ORGANIZING INTERACTIVE LESSONS IN TEACHING CHEMICAL TECHNOLOGY SCIENCES. *Science and Innovation*, 1(5), 464-468.
18. Нажмиддинов, Р. Ю., Мелиқўзиева, Г. Қ., Зокиров, М., & Юсупов, И. (2022). Марказий Қизилқум фосфоритларидан таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган фосфорли оддий ўғитлар олиш. *Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*, 2(6), 56-61.
19. Шеркузиев, Д. Ш. (2008). О составе жидкой и твердой фаз продуктов разложения фосфоритов Центральных Кызылкумов при пониженной норме азотной кислоты. *Узб. хим. ж.*, (3), 63.
20. Sherquzyev, D. S., Shirinov, S. D., Yusupov, M. O., & Asqarova, O. (2018). HYDROGEL PRODUCTION OF NEW GENERATION BASED ON LOCAL RAW MATERIALS. *European Science Review*, 1(11-12), 141-145.
21. Зокиров, М. (2022). ЁШЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ИЛМИЙ ПЛАТФОРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot*, 1(28), 107-110.
22. Doniyor o'g'li, R. D., & Tohirjon o'g, A. T. A. (2022). EGILUVCHAN

POLIMERLARNING MOLEKULYAR STRUKTURASI VA XOSSALARI. Scientific Impulse, 1(4), 1769-1773.

23. Мирзаев, А. Н., Рахмонов, Д., & Буриева, З. Р. (2022). Влияния Режимных Параметров На Степень Очистки В Двухступенчатом Аппарате. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES, 3(5), 10-14.

24. Shermatov, A., & Maulyanov, S. (2022). ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАН КОЛХИЦИН ВА КОЛХАМИН АЛКАЛОИДЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ КИНЕТИКАСИ. Science and innovation, 1(A5), 431-436.

25. Jo'rayev, M. (2022). KO'KAMARON O'SIMLIGINING KODENSIRLANGAN FENOLLI BIRIKMALARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 114-116.